


**UZA**

O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2021 йил май**

**ТОШКЕНТ - 2021**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр

2021 йил май ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб кайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов  
М.Жўраев  
А.С.Сагдуллаев  
С.С.Гуломов  
Ф.Г.Назиров  
Р.Д.Курбанов  
М.Х.Рустамбоев  
Ш.Т.Қудратхўжаев  
Н.А.Хусанов

Б.А.Назаров  
А.Аскарлов  
Д.Ю.Юсупова  
А.Х.Саидов  
Т.Ў.Арипова  
Қ.Р.Аллаев  
С.М.Туробжонов  
И.С.Саифназаров  
Г.А.Мардонова

Манзилмиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## МУНДАРИЖА

### *Иқтисод*

<b>Д.Н.ХУСАНОВ, З.Ф.УМАРОВА.</b> Благоприятный инвестиционный климат Республики Узбекистан-----	5
<b>Л.К.КЎПАЙСИНОВА.</b> Баҳолаш фаолияти регулятив механизмининг жаҳон ва Ўзбекистон амалиёти хусусиятлари-----	13
<b>А.Б.ЖАНИКУЛОВ, Ф.Н.АБДУЛЛАЕВ, С.И.ДАМИНОВ.</b> Темир йўл транспортида техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, халокатлар ва аварияларнинг иқтисодийетимизга зарари-----	24
<b>М.С.АЛИҚУЛОВ.</b> Суғурта компанияларининг инвестиция салоҳиятини ошириш масалалари-----	33

### *Юридик*

<b>Н.А.ХУШВАКТОВА.</b> Жиноятнинг сабаб ва унинг содир этилишига имкон берган шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимномаларнинг жамоатчилик томонидан ижро этилиши масалалари-----	45
<b>М.С.ҚОДИРОВ, Ш.Қ.ЛУТФУЛЛАЕВ</b> Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда ўқув жараёнининг ўрни-----	56
<b>Р.Х.КУШЕРБАЕВ.</b> Коррупцияга қарши кураш масалалари: олий таълим тизими мисолида-----	66
<b>С.Н.АЗИМОВ.</b> Айбга иқдорлик тўғрисида келишув институти: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари-----	75
<b>Ж.И.МАХМАТҚУЛОВ.</b> Ўзбекистонда иккинчи жаҳон уруши йилларида ички ишлар органлари фаолияти-----	84

### *Филология*

<b>Б.М.РАҲМОНОВ.</b> Эртак ижодкорлиги анъаналарининг барҳам топиши сабаблари-----	95
<b>Б.МУҲИДДИНОВА.</b> Сайидахмад Васлий Самаркандий: мадраса таълими қандай бўлиши керак?-----	106
<b>С.Х.ХЎЖАҚУЛОВ.</b> Маърифатпарварлик ва жаҳид шеърлятида бадий тасвир воситаларининг функционал ўзгариши-----	118
<b>Ҳ.М.ХУДОЙМУРОДОВА.</b> Ижодкорнинг бадий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳорати (Нодир Норматов ижоди мисолида)-----	132
<b>К.Х.АВИЛОВА.</b> Терминологиянинг долзарб муммолари-----	141
<b>Ю.ЗИЯЕВА.</b> Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonларида нафс талқини--	149
<b>Д.М.ТАМИКАЕВА.</b> Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonида арабча ўзлашма фразеологизмларнинг қўлланилишига доир-----	161
<b>З.Р.ТИЛЛАБАЕВА.</b> Самарканд шаҳри шеваларида қўлланадиган баъзи бир фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари-----	170
<b>А.Ҳ.АХМАТОВ.</b> Бухоро адабий муҳити ва Шариф Нурхон-----	180
<b>М.И.СУЛАЙМАНОВА.</b> Ўзбек ва қирғиз айтишувларининг ўзига хослиги ва уларда тақинчоклар образининг берилиши-----	186

<b>О.Х.АБДУЛЛАЕВА.</b> Тил корпусларини яратишда қўлланилувчи дастурлар таснифи-----	194
<b>Ф.С.БАФОЕВ.</b> Херман Вамберинг «Сagataische sprachstudien» («Чигатой тили дарслиги») асаридаги ўзбек мақоллари хусусида-----	203
<b>Д.Б.ОЛИМОВА.</b> Аҳмад Яссавий “Меърожнома”сининг ирфоний моҳияти-----	210
<b>Д.М.ЮЛДАШЕВА.</b> Педагогическое наследие академика Л.В.Щербы и его актуализация в современной науке и образовании-----	219
<b>С.С.ХОТАМОВ.</b> Ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» асаридаги ўзига хос услубнинг таҳлилий жиҳатлари-----	228
<b>Д.Н.САЪДУЛЛАЕВА.</b> Ўзбек насрида рухоний образига муносабат масаласи-----	236
<b>М.О.ҲАМИДУЛЛАЕВА.</b> Алишер Навоий шеърлятида кўз, кош, киприк тимсоллари талқини-----	246

### *Тарих*

<b>С.С.РАУПОВ.</b> Бухоро амирлигида маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув-----	254
<b>Ф.А.АДИЛОВ.</b> Озарбайжон тарихчиси Зиё Мусо ўғли Бунётовнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга қўшган хиссаси-----	264
<b>О.Р.РАШИДОВ.</b> Ўзбекистонда большевиклар миллий сиёсатидаги тил ва ёзув масаласи-----	271
<b>И.Х.ШОЕВ.</b> Археология и перспективы изучения и использования археологических коллекций-----	281
<b>Ф.А.КАЛАНДАРОВА.</b> “Тарихи салотини манғития”да Бухоро амирлиги этник таркибининг ёритилиши-----	289

### *Фалсафа*

<b>Ш.Б.МУРТОЗАЕВ.</b> Абу Ҳафс Умар Сухравардий ҳаёти ва илмий мероси-----	298
<b>Ш.Ф.ДЖУРАЕВ, А.А.АЛАМОВ.</b> Организация учебного процесса по предмету философия: краткий анализ-----	306

### *Техника*

<b>Х.Н.ЗАЙНИДИНОВ, Ш.А.АНАРОВА, Ж.С.ЖАББАРОВ.</b> Ўхшашлик ёрдамида геометрик шаклларнинг фрактал ўлчовлари-----	317
<b>Э.Т.ФАРМОНОВ, Т.АБДИЛЛАЕВ, Ф.Э.ФАРМОНОВА.</b> Саксовул ва черкез уруғларини экадиган сеялка экин аппаратининг параметрларини макбуллаштириш-----	326
<b>Ш.А.СУЛАЙМОНОВ.</b> Кимёвий препаратлар ёрдамида курук пилла қобиғини чанг ва ботқа омиллардан саклаш орқали сифатли хом ипак олиш усуллари-----	334

## *Фалсафа*

### **АБУ ХАФС УМАР СУХРАВАРДИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ**

**Шаҳобиддин Баҳриддинович МУРТОЗАЕВ**

мустақил изланувчи  
Бухоро давлат университети  
Бухоро, Ўзбекистон

#### **Аннотация**

Мазкур мақолада тасаввуф таълимоти ва Шарқ фалсафасининг йирик вакиллари билан бири, “Сухравардийлик” тарикатининг асосчиси Абу Хафс Умар Сухравардийнинг ҳаёти ва маънавий мероси манбалар асосида қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек мутасаввифнинг “Авориф ул-маориф” (Маърифат тухфалари) асари ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Сухравард, Бухоро музей қўриқхонаси, калом, фикх, тафсири, ҳадис, тасаввуф.

### **ЖИЗНЬ И НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ АБУ ХАФСА ОМАРА СУХРАВАРДИ**

**Шаҳобиддин Баҳриддинович МУРТОЗАЕВ**

независимый исследователь  
Бухарский государственный университет  
Бухара, Узбекистан

#### **Аннотация**

В данной статье на основе источников проведен сравнительный анализ жизни и духовного наследия одного из крупнейших представителей суфизма и восточной философии, основателя тариката “Сухравардизм” Абу Хафса Омара Сухраварди. Также освещена информация о труде мутасаввифа “Авориф уль-маориф” (Дары просвещения).

**Ключевые слова:** Сухравард, Бухарский музей-заповедник, калам, фикх, тафсири, ҳадис, суфизм.

Улуғ алломалар меросини ўрганиш масаласи бугунги кундаги долзарб йўналишлардан биридир. Зеро уларда инсониятни бирлик, ҳамкорлик, бағрикенглик, толерантликка чакирувчи ғоялар, нафси тарбиялаш масалаларига доир фикрлар ўз ифодасини топган. Шу мақсадда мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждодларимизнинг

эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, катъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз» [1].

Шарқ маънавий меросида ўзига хос ўрин эгаллаган Шаҳобиддин Умар Сухравардий 1145 йилда Эроннинг “Сухравард” қишлоғида дунёга келган. 1160-1161 йилларда 16 ёшида илм излаб, ўша даврда илм- маърифат маркази ҳисобланган Боғдод шаҳрига келган. Мутасаввиф ҳаёти давомида олғита Аббосий халифалар қўл остида хизмат қилган. Булар: Муқтафий Биллох (1136-1160), Мустанжид Биллох (1160-1170) Мустазий Биллох (1170-1180) Носир-ад-диналлох (1180-1225), Зоҳир Биллох (1225-1226) ва Мунтансир Биллох (1226-1243) [3;80]. Сухравардий, Аббосийлар сулоласи таназулининг шоҳиди бўлган.

Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ибн Абдуллох ас-Сухравардийнинг асли исми Умар, отасининг исми Муҳаммад бўлган. У Абу Ҳафс, Абу Абдуллох номлари билан ҳам машҳур бўлган. Шунингдек, “Шихобиддин” ёки “Шайхул ислом”, “Шайхул орифин” номлари билан ҳам у кишига нисбат берилади. Алломанинг шажаравий силсиласи халифа Абу Бакр Сиддикка бориб тақалади. Шу сабабли баъзи манбаларда у киши “Ал-Бақрий”, “Ат-Таймий” ва “Ал-Қурайший” тарзида ҳам келтирилади. Афлокий Умар Сухравардийнинг Абу Бакр Сиддикка боғлиқлигига муносабат билдириб, унинг мавлоно Жалолиддин Румий билан қариндош бўлганлигига этибор қаратади [6;45].

Ибн Заҳабий Ибн ул-Ҳожиб фикрига таяниб, Сухравардий, Абул Фароҳ ибн ул-Жавзий бир шажарадан эканлигини таъкидлайди. Сухравардийнинг аждодлари шажараси Абу Бакр Сиддик, Султон Бақриддин, Саййид Муҳаммад, Муҳаммад Қосим Шайх, Шайх Абдурахмон, Саййид Қосим Қутбул-Ахтоб, Саййид Муҳаммад Назир, Шайх Саййид Қосим, Саййид Ҳусайн Шайх, Абдулла Саййид Шайх, Саййид Муҳаммад

Абдулла Шайх, Шайх Абдуллох Муҳаммад, Муҳаммад Шайх Говсил Саклип Аъзам, Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардийдан иборат [5;35-36].

Абу Ҳафс Умар Сухравардий улуғ насабга эга бўлган оиладан эди. Сухравардий оиласидан бир нечта сўфийлар ва уламолар етишиб чиққан бўлиб, улар куйидагилардир:

Абу Нажиб Зиёуддин Абдулқодир ас-Сухравардий “Наҳж ус-Сулуқ” (Йўл кўрсатувчи) асарининг муаллифи бўлиб, Сухравардийга амаки ва устоз эди. Сухравардийнинг отаси Абу Жафар Муҳаммад ас-Сухравардий, бобоси эса, Абдуллох Саъд Аммоий эди [7;108].

Отаси Абу Жафар Муҳаммад Сухраварддан бориб Боғдоддаги Низомия мадрасасида Асад ал-Михоний устозидан фикх илми бўйича таълим олган ҳамда бир муддат ушбу мадрасада мударрислик қилган. Шу билан бир вақтда “Каср” жомеъ масжидида воизлик қилиб ваъзлар ўқиган. Баъзи манбаларда Абу Жафар Муҳаммад Сухравардийнинг кози лавозимида ишлагани ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Абу Жафар Муҳаммад Сухравардда козилик қилган даврида тухматга учраб ўлимга ҳукм қилинган. Шаҳобиддин Умар Сухравардий бу пайтда туғилганига олти ойлик бўлган эди. Сухравардийнинг Боғдодда Абдул Малик Муҳаммад исмли бошқа онадан туғилган укаси борлиги манбаларда келтирилади [6;139].

Сухравардийнинг ҳаётида амакиси Абу Нажиб ас-Сухравардий муҳим ўрин эгаллаган. Алломанинг “Авориғ ул-маориф” (“Маърифат тухфалари”) асарида амакиси ҳақидаги жуда кўп маълумотлар ўз ифодасини топган. “Сухравардий номи билан машҳур бўлган яна бир аллома борки, уни кўпчилик Умар Сухравардий билан қариндош деб ўйлайди. Бирок улар ўртасида ҳеч қандай қариндошлик алоқаси йўқ. Бу аллома Яхё Ҳабаш ал-Мактул (1154-1190) бўлиб танкидий фикрлари учун Ҳалабда 1190 йилда қатл этилган” [7;345]. Шунинг учун уни ал-Мактул (“қатл қилинган” деган маънони беради) деб аташган.

Сухравардий Боғдодда калом, фикх, тафсир, хадис ва тасаввуф илмларидан таҳсил олган. Манбаларда унинг хадис илмида камолга етганлиги қайд этилган.

Шаҳобиддин Сухравардий тасаввуф таълимини аввал амакиси Абу Нажибдан, сўнг Абдулқодир Жилонийдан олган. Шу билан бирга ўз даврининг йирик шайхлари билан ҳам жуда кўп суҳбатда бўлган.

Ибн-ул Нажжор карашларига таяниб ёзилган асарларда Сухравардийнинг бир муддат узлатга чекингани хақида айтилади. Бу пайтда аллома намоз, рўза ва зикр билан машғул бўлиб, ёши улгайиб камолга етгандан сўнг Дажла дарёси соҳилига яқин бўлган мадраса ва хонақоҳда ваъз ўқишни бошлайди. Мутасаввифнинг тенгсиз даражадаги сўзларидан таъсирланган халқ орасидан унинг мухлислари ортиб борган.

1194 йили Макбар маҳалласидаги тупроқли бир минбар устида маъруза қилгани хақидаги ривоятда, унинг муршидлик (тўғри йўлни кўрсатувчи) даражасига етгани айтилади. Мутасаввифнинг халқ орасида танилиши халифа Носир каби кишиларнинг уни зиёрат қилишга келишига сабаб бўлган. Бундан ташқари Ибн-ус-Саийнинг "Зухҳод" (Зохидлар) номли асарида халифа Боғдоддаги Марзабанийя номли хонақоҳда Сухравардий билан кўп бора суҳбатларда бўлгани хақидаги маълумотлар келтирилган. "Мисбах ул Ҳидоя" (Ҳидоят чироғи) муаллифи Изуддин Али ал-Қоший Халифанинг ўз номига қурдирган хонақоҳига Сухравардийни шайх этиб тайинлаганини ёзади [8:98]. Манбаларда Носирия, Бистомия ва Маъмуния хонақоҳларида ҳам Сухравардий шайх сифатида фаолият олиб боргани таъкидланади.

Сухравардий умри давомида деярли ҳар йили ҳаж сафарига борган. Манбаларда энг сўнгги ҳаж сафари 628 ҳижрий (милодий 1230 й.) йили кўрсатилган бўлиб, ушбу сафар чоғида машҳур мутасаввиф шоир Ибн-ул-Фарид билан кўришган ва унинг икки ўғлига тариқат ҳирқасини кийдиришга бош бўлган. Сухравардий Маккада эканлигида "Илам ул-Худа ва ақидату



бўлган бу асар ўзидан олдин каламга олинган Абу Бакр Калободийнинг “ат-Таъаруф би мазхаби ахли тасаввуф” (Тасаввуф ахли мазхаблари билан таништириш), Абу Толиб ал-Маккийнинг “Кут ул-кулуб” (Қалбларнинг куввати), Қушайрийнинг “Рисола фи-тасаввуф”, Ғаззолийнинг “Ихё и-улумиддин” асарлари каби тасаввуф ғояларини ёйиш ва тушунтириш мақсадида ёзилган. Алломанинг “Авориф ул-маориф” асарида тасаввуфнинг тафаккурый жихатларидан кўра унинг амалий жихатларини ёритишга кўпроқ эътибор қаратилган.

“Авориф ал-маориф” (“Маърифат тухфалари”) (А.А.Болтаев таржимаси) бўлиб, у 63 бобдан иборат. Асар асосан тасаввуф ғносеологияси, одоб-ахлоқи, психология амалиётига бағишланган” [2]. Бу китоб кейинги даврларда яшаган барча сўфийлик мактаблари учун тасаввуф ахлоқи ва амалиёти масалалари бўйича қўлланма васифасини ўтаган. Асар араб тилида ёритилган бўлиб, у форс, немис, инглиз тилларига таржима қилиниб, нашр этилган.



21125/11

Муқарриб А.А. Болтаевнинг “Авориф ал-Маориф” кўчирмадан ёзилган 1133-1720-йилларда яшган

1133-1720 - йилларда яшган  
А.А. Болтаев  
Муқарриб А.А. Болтаев

Юқоридаги фикрлардан келиб чикиб шунни таъкилаш мумкинки унинг “Авориф ал-маориф” (“Маърифат тухфалари”) асари бизнинг юртларда ҳам севиб мутолаа қилинган. Бухоро давлат музей кўрикхонасида, Шаҳобиддин

арбаб-ит тука" ("Хидоят хабари ва такво арбобларининг акидаси") номли асарини ёзиб тугаллаган.

Тафаккур тарихида маълумки, XIII аср тариқатларнинг пайдо бўлиш даври бўлган. Шу маънода Сухравардий тариқат шайхларининг кўпчилиги билан замондош бўлган. Аҳмад ар-Рифоий, Аҳмад Яссавий, Абу Майдон ал-Мағрибий, Нажмиддин Кубролар шулар жумласидандир. Ибн Арабий, Баҳоуддин Валад, Ибн-ул-Фарид каби йирик дин уламолари ҳам унинг замондошлари эди.

Ҳаёти давомида катта шухратга эришган Сухравардий умрининг сўнгги йилларини зиёратга келганлар билан ўтказган. Маълумотларга караганда умрининг сўнгги даврларида кўриш қобилиятини йўқотган. Шунга карамай, жума намозида шогирдларининг ёрдами билан ваъз ўқишни тўхтатмаган. Вафотига яқин кунларда эса тўшакка миҳланиб, жуда ҳам озиб кетган ва 1234 йил 26 ноябр куни оламдан ўтган. Вафотининг эртаси куни унинг жаназаси катта жамоа иштирокида ўтиб уни Боғдод ташқарисидаги хонакоҳга дафи қилганлар. Кейинчалик Салжукий амири бўлган Жалолиддин Қоратой Сухравардий қабри устига макбара қурдиртириб, у жойни зиёрат масканига айлантирган.

Сухравардий жуда инсонпарварлиги билан машҳур бўлиб, бутун умри давомида йиғилган маблағ, берилган ҳадя ва совғаларни эҳтиёжмандлар ҳамда дарвешларга тарқатиб берган. Шу сабаб вафотидан кейин унинг уйдан ҳатто кафанлик мато ҳам топилмаган деган маълумотлар келтирилади.

Сухравардийнинг маънавий мероси жуда бой бўлиб, ундан кўпгина асарлар қолган. Мутасаввифнинг энг машҳур ва бизгача етиб келган асарларидан бири "Авориф ул-маъориф" ("Маърифат тухфалари") асари бўлиб, қуйида ушбу асар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

"Авориф ул-маъориф" ("Маърифат тухфалари") [4]ни тасаввуфий-фалсафий қарашларга оид асар дейиш мумкин. Асосан ушбу асар туфайли мутасаввиф номи абадийлашган. Тариқат даврига оид илк асарлардан бири

Абу Ҳафс Умар Сухравардийнинг “Авориф ал-маориф” асарининг қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Ушбу китоб хижрий 1133, милодий 1721 йили, Абдулғоний хаттот томонидан кўчирилган. Китоб жуда яхши сақланган, унинг эни 11.5 см, бўйи 20.5 см бўлиб, асар 400 саҳифадан иборат. Унга олтин суви юритилиб, безак берилган. Аммо китоб кимнинг буюртмасига биноан таржима қилиниб кўчиртилгани негадир китоб саҳифасидан ўчирилган. Бу каби нодир қўлёзмалар эса бу музей кўрикхонада жуда кўплаб топилади.

Бухоро давлат музей кўрик хонасида, сақланаётган “Авориф ал-маориф” асари 63 бобдан иборат:

Асар асосан тасаввуф ғиёсологияси, одоб-ахлоқи, психологиясининг амалиётига бағишланган;

Асарда тасаввуф тарихи, назарияси ва амалиётига оид қимматли маълумотлар мавжуд;

Асар ўз тузилиши ва мазмунига кўра тасаввуф назариясига бағишланган.

Асар илмий таҳлил қилганда, боблар сони ва уларнинг номланишидан шу нарса аёнлашадикки, Умар Сухравардий ўзининг маънавий меъросида Қуръон ва ислом шариатига асосланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, боблар сонининг 63 та эканлиги Пайғамбар ёшига ишора бўлган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас (*таъкид бизники – М.Ш*).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Абу Ҳафс Умар Сухравардий тарихнинг энг зиддиятли даврида яшаб ижод қилган аллома бўлиб, ушбу зиддиятли даврнинг ижтимоий тафаккур шакли бўлган тасаввуф таълимотининг ёрқин намояндаси даражасига кўтарилган ва ўзининг чуқур фалсафий маъноли тафаккур илмини яратган. Бугунги кунда ушбу илм инсоният учун тўғри йўлдан адашмасликда ёки ўз йўлини топа олишда хизмат қила олади. Шу нуктаи назардан алломанинг “Авориф ул-маориф” (“Маърифат тухфалари”) асари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу асар юртимизда хали ўрганилмаган. Биз тадқиқотимизда ушбу асарни таҳлилий

ўрганишга ва ундан кенг жамоатчиликни хабардор қилишни мақсад қилиб кўйдик.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // – Халқ сўзи, 2017, – №196 (6860 )
2. Бухоро Давлат музей кўрикхонаси 21125/11 рақамли “Авориф ал-маориф” асар кўлёзмаси. Ҳижрий 1133, милодий 1721 йили, Абулғоний хаттот.
3. Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 80 б.
4. Навоий, Алишер. Насойим ул-мухаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. [www.ziyo.uz.com kutubxonasi](http://www.ziyo.uz.com/kutubxonasi)
5. Шомансур, Озод. Шайх Зайниддин қўйи Орифон Тошкандий: рисола. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006.
6. Corbin, Henry, *Alone with the Alone: Creative Imagination in the Sûfism of Ibn 'Arabi*, Princeton University Press, New Jersey 1998, s.71
7. Eflakî, *Menâkibü'l-Ârifin*, nşr. Tahsin Yazıcı, Ankara 1947, c.1, s. 45.
8. ez-Zehabî, *Târîh*, c. IV, ss.97-8; *A'lâmü'n-Nübelâ*, c. XXII, s. 375; *el-İsfehânî ve İbnü'l-Cevzî. Sahabeden Gü-nümüze Allah Dostları*, İstanbul 1985, Şule Yay., c. VII, s. 108.